

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЗМЕТОВ АБДУЛАХМЕТ РАЙМБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН СУВ ОМБОРЛАРИ ЗООПЛАНКТОН
ОРГАНИЗМЛАРИНИНГ ФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА АМАЛИЙ
АҲАМИЯТИ**

03.00.16 – Гидробиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич

Ўзбекистон сув омборлари зоопланктон организмларининг фаунаси,
экологияси ва амалий аҳамияти..... 5

Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич

Фауна, экология и практическое значение зоопланктонных организмов
водохранилищ Узбекистана..... 25

Kuzmetov Ablulakhmet Raymberdiyevich

Fauna, ecology and practical significance of zooplankton of reservoirs of
Uzbekistan..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЗМЕТОВ АБДУЛАХМЕТ РАЙМБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН СУВ ОМБОРЛАРИ ЗООПЛАНКТОН
ОРГАНИЗМЛАРИНИНГ ФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА АМАЛИЙ
АҲАМИЯТИ**

03.00.16 – Гидробиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/B15 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мирабдуллаев Искандар Мирбатирович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич
биология фанлари доктори, профессор

Дадаев Сайдулла
биология фанлари доктори, профессор

Эшова Холиса Саидовна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2019 йил «28» февраль куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «15» февраль куни тарқатилди.
(2019 йил «15» февралдаги 18 рақамли реестр баённомаси)

Д.А.Азимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С.Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда экологик барқарорликни ўзгариши билан сув экотизимлари биологик хилма-хиллигининг қисқариши мавжуд турларни сақлаб қолиш ва ресурсларидан оқилоно фойдаланишни тақозо этмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда сунъий ирригация иншоотларининг кенгайиши уларда шаклланган зоопланктон организмларга иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг зарурий бўғини сифатида қарашни белгилаб бермоқда. Шу жиҳатдан, инсон фаолияти билан боғлиқ сунъий сув ҳавзаларидаги зоопланктон организмлар замонавий ҳолатини баҳолаш ва амалиётга жорий этиш истиқболларини аниқлаш илмий-амалий аҳмият касб этади.

Жаҳонда сув ҳавзалари зоопланктон организмларини инвентаризациялаш, истиқболли турларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, турли табиий-географик ҳудудлардаги сув ҳавзалари зоопланктон организмларининг турлар хилма-хиллиги қиёсий баҳоланди, улардан балиқларнинг табиий озукаси сифатида фойдаланиш истиқболлари аниқландива зоопланктонлар асосида сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, сунъий сув ҳавзалари орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган сув омборлари нафақат зоопланктон организмларга бойлиги билан, балки сув ҳавзаларининг қиёсий фарқлашда ўзига хос ўринга эга бўлган барча сув организмлари экологик гуруҳларини сақлаши билан ҳам муҳим саналади. Сув омборлари экотизимлари режими ростлаб туриладиган ва сунъий ҳосил қилинган объектлар мураккаб типидан иборат бўлиб, ундаги зоопланктонларнинг шаклланиш кўлами ва сукцессия фазаларининг ўзига хос кечиш билан бошқа сув ҳавзалариникидан кескин фарқ қилади. Шу жиҳатдан, сув омборлари зоопланктон организмлар хилма-хиллигини аниқлаш, зоопланктон жамоаларининг мавсумий сукцессияси жараёнларини баҳолаш, миқдор жиҳатидан ривожланишини асослаш ҳамда улардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда сув ҳавзалари биоресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан иқтисодиёт тармоқларида оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, сув ҳавзаларини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилди, сув омборлари ресурсларидан фойдаланиш йўллари тартибга солинди ва сунъий сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорда¹ жумладан, «...мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва янги қувватларни барпо этиш йўли билан балиқчилик тармоғининг озукбазасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори.

мустаҳкамлаш»; «...республика сув омборларидан самарали фойдаланиш учун балиқ етиштириш ва овлаш ишларини ташкил этиш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан холда, жумладан, Ўзбекистон сув омборларидаги зоопланктон организмлар турлар таркибини аниқлаш, истиқболли турлари маҳсулдорлигини баҳолаш, зоопланктонлардан балиқчилик хўжаликлари мақсадларида фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 6 апрельдаги ПҚ-3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Турли типдаги сув ҳавзалари зоопланктон организмларива уларни ишлаб чиқаришга жалб этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Gent (Бельгия), University of Connecticut (АҚШ), Москва давлат университети (Россия), Гидробиология институти (Украина), Ички сувлар биологияси институти (Россия), Балиқ хўжалиги илмий-тадқиқот институт (Қозоғистон) ва Зоология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Сув омборлари зоопланктонлари фаунасини инвентаризациялаш, улардаги ўзгариш жараёнларини асослаш ва балиқчилик тармоғида муҳим бўлган турларини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: шимолий кенгликлардаги сув омборлари зоопланктон организмларининг қиёсий тур

²Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, [researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

таркиби аниқланган (University of Gent, Бельгия); сув омборлари зоопланктонлар фаунаси ва улар жамоаларидаги мавсумий ўзгариш жараёнлари аниқланган (University of Gent, Бельгия); истиқболли зоопланктон организмлар ҳисобига сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган (University of Connecticut, АҚШ); илиқ сув ҳавзаларида зоопланктон организмларини балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун кўпайтириш йўллари такомиллаштирилган

Дунёда турли типдаги сув ҳавзалари зоопланктон организмлар биохилма-хиллигини аниқлаш ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсифлаштиришга жалб этиш бўйича, қатор, жумладан, куйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли географик ҳудудларга мансуб сув ҳавзаларида зоопланктон организмлар шаклланиши йўллари асослаш, маҳаллий зоопланктон организмлар асосида ишлаб чиқариладиган меъёрлашган озиқа қўшимчалари ассортиментини кенгайтириш, сув омборларида зоопланктон организмлар биомассаси шаклланишини бошқаришнинг инновация йўллари ишлаб чиқиш: Марказий Осиё сув ҳавзаларидаги зоопланктон организмларнинг токсономик ўзгаришлари кузатилиб, мавжуд турларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида тавсиялар бериш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг бир қатор сув омборлари зоопланктон организмлари фаунаси ва систематикаси кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, Henri H.J. et all. (1994); Robert G.Radke and Uwe Kahl (2002); G. Dams (2016); Ana M.A. da Silva et all. (2009); J.A.Benzie (2006); J.M. Boberts (2009); Ch. Farwell (2014); Sinjae Yoo (2015); M. Povlov (2016); A.E. Friederike (2016) кабилар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатларида зоопланктон организмларинин асосий гуруҳини ташкил этувчи қисқичбақасимонлар ва коловраткалар систематикаси, уларнинг тарқалиши, маҳсулдорлиги, экологияси ҳамда сув омборлари гидрологияси ва гидрохимияси бўйича тадқиқотлар А.В. Крылов ва бошқ., (2009); Е.В. Преснова ва бошқ., (2010), В.Р. Алексеева (1995); Н.М. Коровчинский (2004); Н.В. Карташева (2006); Ю.Ф. Громова ва А.Б. Примак (2015); Е.П. Романова (2009); А. Хаитов (2011); Е.Г. Крупа (2010) ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда турли типдаги экотизимларда зоопланктон организмларнинг таксономияси, тарқалиши, экологик хусусиятлари, улардан сув ҳавзалари унумдорлигини оширишда фойдаланиш бўйича гидробиологик тадқиқотлар А.М. Муҳамедиев (1967, 1986), Э.А. Тошпўлатов (1975), И.М. Мирабдуллаев (1990, 1992), Ҳ.Х. Абдиназаров (2018) томонидан амалга оширилган. Ўзбекистоннинг табиий шаклланган кўллари зоопланктон организмларини ўрганиш бўйича шунга ўхшаш тадқиқотлар яқин йилларда Е.Н. Гинатуллина (2009) томонидан ўтказилган. Бироқ юқоридаги тадқиқот ишлари Ўзбекистон сув омборлари зоопланктон организмлари фаунаси, уларнинг тарқалиш хусусиятлари, экологияси ва зоопланктон организмлардан амалий фойдаланиш бўйича етарли маълумотларни бера

олмайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университети Зоология кафедрасининг «Ўзбекистон сув ҳавзаларининг гидробиологик тавсифи» илмий-тадқиқот йўналиши, Зоология институтининг ФА-А7-Т007 «Зарафшон дарёси бассейни сув ҳавзалари гидробионтларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни муҳофаза қилиш ва турғун фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш» (2015-2016) ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг КХ-А-КХ-2018-106 «Қимматбаҳо балиқ турлари ва балиқ чавоқларини, шунингдек уларнинг табиий озуқа базаси организмларини етиштиришда жадал аквакультуранинг биотехнологик мажмуасини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон сув омборлари зоопланктон организмлари фаунасини асослаш ва улар маҳсулдорлигини ошириш чоратadbирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон сув омборларининг зоопланктон организмлари турлар хилма-хиллигини аниқлаш ва ҳамжамиятларининг тузилма-функционал тавсифларини ўрганиш;

зоопланктоннинг миқдор жиҳатидан ривожланиши ҳамда ҳамжамиятлари мавсумий сукцессияси қонуниятларини аниқлаш;

зоопланктонларнинг республика минтақаларидаги сув омборлари бўйича тарқалганлигини асослаш;

баъзи қисқичбақасимонлар маҳсулдорлигини баҳолаш;

республика ҳовузлари, кўллари ва сув омборларидаги зоопланктон организмлар қиёсий таҳлилин аналга ошириш;

зоопланктон устувор турларининг индивидуал салмоғини аниқлаш;

зоопланктонлардан балиқ хўжаликларида мақсадли фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон сув омборларининг планктон организмлари (коловраткалар, копеподлар, кладоцералар) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети зоопланктон организмларнинг таксономияси, тарқалиши, сифат ва миқдор кўрсаткичлари, динамикаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услулари. Тадқиқотда гидробиологик, гидрологик, экологик, қиёсий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистондаги 21 сув омборлари зоопланктон организмларининг (Rotifera, Cladocera, Copepoda) 89 турдан иборат замонавий тур таркиби аниқланган;

илк бор Марказий Осиё фаунаси учун гарпактицид *Cletocamptus cf. deitersi* (Richard, 1897) тури аниқланган;

сув омборлари зоопланктон организмлари турлар сонининг ва миқдорий ривожланишининг мавсумий хусусиятлари очиб берилган;

Марказий Осиё сув ҳавзалари бўйлаб планктон организмларининг таксономик ўзгариши аниқланган ва уларнинг шаклланиши асосланган;

21 та сув омборининг биотик ва абиотик шароитларига боғлиқ равишда улар учун мос балиқ турларини интродукциялаш усуллари аниқланган;

зоопланктон гуруҳларининг доимий, эрта баҳорда ва йилнинг илик мавсумларида учрайдиган турлари аниқланган.

Тадқиқотлар амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

зоопланктон организмлар асосида турли географик ҳудудлар сув хавзалари экотизимларини самарали бошқариш усуллари такомиллаштирилган;

Ўзбекистон *Harpacticoida* туркуми фаунаси инвентаризацияланган ва туркумнинг аниқлагич-калити яратилган;

зоопланктон организмлардан балиқларнинг табиий озукаси сифатида фойдаланиш йўллари аниқланган ва улардан балиқчилик хўжаликлари маҳсулдорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, кенг кўламда йиғилган материаллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, олинган маълумотлар замонавий статистик дастурлар асосида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи нашрларда чоп этилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республиканинг турли сув омборлари зоопланктон организмлари фаунасининг шаклланишини асосланганлиги, республика ҳовузлари, кўллари ва сув омборларидаги зоопланктон организмлар тарқалиши қиёсий баҳоланганлиги, сув хавзалари бўйлаб зоопланктонларнинг миқдор жиҳатидан ривожланишини аниқланганлиги ҳамда ҳамжамиятлари мавсумий сукцессияси қонуниятларини исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти зоопланктон организмлардан балиқларнинг табиий озукаси сифатида фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш, балиқчилик хўжаликларида ҳовузлардаги балиқлар маҳсулдорлигини кўпайтириш ҳамда балиқ чавоқларини зоопланктонлар орқали озиклантириш эвазига уларнинг яшовчанлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон сув омборлари зоопланктон организмларининг фаунаси, экологияси ва амалий аҳамияти бўйича олинган натижалар асосида:

сув омборлари зоопланктон организмларидан балиқларнинг табиий озукаси сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар Тўдакўл, Шўркўл ва Каттақўрғон сув омборларида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 3 майдаги 07/618-сон маълумотномаси). Натижада сув омборларида учровчи овланадиган

карп, оқ ва чипор дўнгпешона, оқ амур, храмуля, оқ сла, мўйловдор балиқ, лаққа турларини табиий озуқа базасини кўпайтириш орқали балиқлар маҳсулдорлигини 4-15% га ошириш имконини берган;

21 та сув омборларининг биотик ва абиотик шароитларига мос тарзда балиқ турларини мослаштириш йўллари Оҳангарон, Оқдарё, Андижон ва Каркидон сув омборларида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 3 майдаги 07/618-сон маълумотномаси). Натижада бу сув ҳавзаларига гулмоҳи ва Амударё маҳаллий гулмоҳисини интродукция қилиш имконини берган;

балиқчилик хўжаликларида зоопланктон организмларни ялпи кўпайтириш асосида балиқ чавоқларнинг яшовчанлигини ва маҳсулдорлигини ошириш усуллари «Фарғонабалиқсаноат», «Наманганбалиқсаноат» МЧЖ тасарруфидаги балиқчилик хўжаликларига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 3 майдаги 07/618-сон маълумотномаси). Натижада балиқчилик хўжаликларида етиштириладиган балиқ чавоқлари вазнини 17%, яшовчанлигини 10% га ошириш имконини берган;

сапроблик индексининг ошишига сезгир зоопланктон организмларнинг тур ва миқдор жиҳатдан мавсумий ўзгарувчанлиги бўйича амалий тавсиялар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари бўлимларига сув омборлари зоопланктон организмлари биохилма-хилликни сақлаб қолиш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 29 январь 03-01/7-456-сон маълумотномаси). Бу эса эвтрофикацияга учраган сув омборларида биомассаси камайиб кетаётган 8 тур планктон организмларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш чоратadbирлари самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари республика миқёсидаги 22 та, халқаро доирадаги 4 та илмий-амалий анжуманда ва 6 та хориж журналларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 43 та илмий иш чоп этилган. Шундан 10 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия қилинган журналларда, 9 таси республикаимизнинг марказий ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган

Диссертация тузилмаси ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Илмий иш ҳажми 174 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги, уларнинг мақсади ва вазифалари асосланиб, объекти ва предмети (мавзуси) тавсифлаб берилади. Шунингдек, бу қисмда тадқиқотнинг

республика илм-фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган бўлиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга татбиқ этилиши очиб берилган. Бундан ташқари,нашр этилган ишлар рўйхати ва диссертация тузилмасига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сув ҳавзалари зоопланктон организмлари ва улардан фойдаланиш**» деб ном олган биринчи бобида Ўзбекистон, Жанубий Қозоғистон, Тожикистон ва Евроосиё сув омборларидаги зоопланктоннинг тадқиқ этилишига доир маълумотлар келтирилган.

Дунёда турли типдаги сув ҳавзалари зоопланктон организмлар биохилма-хиллигини аниқлаш ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу ўринда айниқса, турли географик ҳудудларга мансуб сув ҳавзаларида зоопланктон организмлар шаклланиши йўллари аниқлаш, маҳаллий зоопланктон организмлар асосида ишлаб чиқариладиган меъёрлашган озиқа кўшимчалари ассортиментини кенгайтириш, кўллари ва сув омборларидаги зоопланктон организмлар тарқалиши қиёсий баҳолаш, сув омборларида зоопланктон организмлар биомассаси шаклланишини бошқаришга катта эътибор қаратилмоқда.


Диссертацияда сув омборларининг физик-географик ва гидрологик тавсифи келтирилган бўлиб, Чорвоқ, Оҳангарон, Туябўғиз, Каттакўрғон, Туямўйин сув омборлари, шу билан бирга Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё дарёлари ҳавзалари сув омборлари, шунингдек Фарғона водийси сув омборларининг физик-географик ва гидрологик жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Жойланишига кўра, сув омборлари тоғ сув омборлари ва текисликдаги сув омборларига, таъминланишига кўра эса, ўзанли ва йиғилма турларга бўлинади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон сув омборларидаги зоопланктон организмларининг таксономик турли-туманлиги**» номли иккинчи бобда Ўзбекистондаги 21та сув омборида учрайдиган зоопланктон организмларнинг турлар бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.


Ўзбекистон сув омборлари зоопланктонининг таксономик турли-туманлиги 89та турнинг мавжудлиги билан аниқланиб, шундан коловраткалар 11 оилага, 14 туркумга оид 52 тур билан, шохдор мўйловли қисқичбақасимонлар 7 оилага мансуб 15 туркумдаги 22та тур билан ва эшкакоёқли қисқичбақасимонлар 1 оила, 4 кенжа оила 3 туркумга оид 16та тур билан тақдим этилган.

Ўзбекистонда олиготроф сув омборлари, жумладан тоғли регионларда қурилган, сув ҳароратининг пастлиги, чуқурлиги билан текисликда жойлашган сув омборларидан фарқ қилади. Олиготроф сув омборларининг ушбу гидрологик хусусиятлари уларда зоопланктонларнинг шаклланишида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Чорвоқ сув омбори (денгиз сатҳидан 863 м) мисолида шунини айтиш мумкинки, ушбу сув омбори ҳам турлар сонининг

камлиги, аммо улар биомассасининг кўплиги билан характерланади. Зоопланктонлар биомассаси энг кўп бўлган мавсуми йилнинг энг иссиқ даврларига – июл ойларига тўғри келади (1,2-расм). Ушбу ҳавзада зоопланктонлар биомассасининг кўплиги, йирик қисқичбақасимонларнинг– *Daphnia galeata*, *Eudiaptomus graciloides* сув ҳавзасида вертикал ялпи кўп тарқалганлиги билан изоҳланади.



1-расм. Чорвоқ сув омбори зоопланктони сонининг динамикаси




2-расм. Чорвоқ сув омбори зоопланктони биомассаси динамикаси(г/м³).


Оҳангарон сув омборида зоопланктоннинг 8 тури мавжуд. Бу ерда унинг доминант турларидан *Asplanhna priodonta*, *Daphnia galeata*, *Cyclops vicinus*лар учрайди. Сув омборининг қуйилиш жойида (этагида) эшкакоёқли қисқичбақасимонлар нисбатан яхши ривожланиб, уларнинг бу ердаги ўртача миқдори 61,4 минг экз/м³ни ташкил этади. Бунга асосан, циклопларнинг ювениал босқичи ҳисобига эришилган.

Чорвоқ сув омборидан юқорида жойлашган, олиготроф типга мансуб Оҳангарон сув омбори (денгиз сатҳидан баландлиги 1100 м) зоопланктонлар сони ва таркиби бўйича қарийб ўхшаш бўлсада, улар биомассасининг мавсумий ўзгариши биров фарқ қилади. Жумладан, ушбу сув ҳавзасида зоопланктонларнинг максимал миқдори август ойида ривожланиш

босқичидаги қисқичбақасимонлар ҳисобига юқори бўлса, биомассаси эса қишнинг охири (феврал) ёки куз фаслининг эрта даврларида (сентябр) вояга етган қисқичбақасимонлар ҳисобига юқори бўлади (3,4-расмлар).




3-расм. Оҳангарон сув омбори зоопланктони сонининг динамикаси (ўзгаришлари) (минг экз.м³)




4-расм. Оҳангарон сув омбори зоопланктони биомассаси динамикаси (г/м³)

Республиканинг текислик қисмида жойлашган Туябўғизсув омборида (денгиз сатхидан 660 м.баландликда) 28 тур зоопланкторлар, жумладан, 18 турдаги коловратка, 5 турдаги кладоцера, 5 турдаги копеподлар учрайди. Бунда *Euchlanis dilatata* (Ehrenberg, 1832), *Lecane luna* Ahlstrom, *Lecane unguolata* (Gosse, 1887), *Alona rectangula* Sars, 1862, *Chydorus sphaericus* (O. F. Müller, 1785), *Eucyclops serrulatus* (Fischer, 1851), *Acanthocyclops einslei* (Mirabdullayev et. Defaye, 2009) каби турлар устунлик қилишлади.

Ушбу сув ҳавзаси Оҳангарон дарёсидан сув олсада, зоопланктонлар таркиби, улар миқдори ва биомассасининг ривожланиш цикллари билан фарқ қилади. Жумладан, ушбу сув ҳавзасида зоопланктонларнинг юқори миқдори ва биомассаси май-август ойлари давомида ўхшаш кўрсаткичларга (миқдори – 125-155 минг экз/м³, биомассаси – 4,5-6,4 г/м³) эга бўлади (5,6-расмлар).



5-расм. Туябўғиз сув омбори зоопланктони сонининг динамикаси



6-расм. Туябўғиз сув омбори зоопланктони биомассасидаги (г/м³) ўзгаришлар динамикаси

Зарафшон дарёси ҳавзаси сув омборлари зоопланктонлари

Оқдарё сув омбори. Оқдарё сув омбори планктон фаунаси таркиби 7 турдан иборат бўлиб, шундан 5 тури коловраткаа, 1 тури циклоп ва 1 тури шохдор мўйловли қисқичбақасимонлардир.

Сув омборидаги шохдор мўйловли қисқичбақасимонлар фақат бир хил *Bosmina longirostris* турдан иборат, ҳавзада эшкакоеқ қисқичбақасимонлар ривожланишнинг 3-4 босқичида эканлиги билан ажралиб туради. Оқдарё сув омборининг ўрта қисмида зоопланктон организмлар 708 минг экз/м³, биомассаси 5,42 г/м³ бўлиб, бунда эшкакоеқли қисқичбақасимонларнинг ўрни катта. Ҳавзада коловраткаларнинг 4 тури – *Asplanchna priodonta*, *Filinia longiseta*, *Keratella tropica*, *Hexarthra mira* учрайди.

Таъкидлаш лозимки, қирғоқ яқинида зоопланктон миқдори ва биомассаси анча юқори бўлиб, миқдори 802 минг экз/м³, биомассаси 3,86 г/м³ га етади.

Оқдарё сув омборининг қуйилиш жойида зоопланктон организмлар жуда кам бўлиб 6 турни ташкил қилади. Бунда коловраткалар 4 тури; *Asplanchna priodonta*, *Filinia longiseta*, *Keranella tropica*, *Hexarthra mira* учрайди. Шохдор мўйловли қисқичбақасимонлардан 1 тури – *Bosmina*

longirostris, копеподлардан эса фақат уларнинг 3-4 ривожланиш босқичидаги вакиллари учради. Уларнинг жуда оз – миқдори 120 минг экз/м³, биомассаси 0,86 г/м³ га тенг.

Қоратена сув омбори. Қоратена сув омбори зоопланктон организмларнинг 9 тури учрайди ва таркибида коловраткалар устунлик қилади. Бундан ташқари шохдор мўйловли ва эшкакоёқли қисқичбақасимонлар ҳам кўп учрайди. Эшкакоёқлилардан *Thermocyclops vermifer* миқдор жиҳатидан 99 минг экз/м³ бўлган ҳолда биомассанинг асосий қисмини ташкил қилади (2,5 г/м³).

Каттақўрғон сув омбори. Каттақўрғон сув омборида планктон организмларининг 9 хил тури мавжуд. Булар орасида коловратканинг 5 тури – *Asplanchna priodonta*, *Euchlanis dilatata*, *Synchaeta sp.*, *Polyarthra sp.*, *Keratella cochlearis* лар учрайди. Шохдор мўйловли қисқичбақасимон *Daphnia galeata*, *Bosmina longirostris* и ва эшкакоёқли қисқичбақасимон *Cyclops vicinus*, *Thermocyclops vermiferi* тури кўплиги билан ажралиб туради. Миқдори ва биомасса баҳор ойлари апрел-майга тўғри келади. Бу даврда миқдори 25 минг/экз.м³ бўлса биомассаси 0,114 г/м³ ташкил қилган.

Тўдакўл сув омбори. Тўдакўл сув омбори зоопланктони қуйидаги турлардан иборат бўлиб чиқди: Rotifera – 8 хил турда, Cladocera – 6 хил турда, Copepoda – 6 хил турда. Ёз даврида коловратка турларига кўра кўпайиши билан тавсифланиб, улар орасида устуворлар *Asplanchna herrecki*, *Keratella tropica*, *Brachionus plicatilis*, *Filinia longiseta*. Кладоцералардан *Diaphanosoma mongolianum* лар ҳисобланади. Бундан ташқари, *Moina micrura* кам ҳолларда учрайди ва копеподларнинг биттаю-битта вакили – *Thermocyclops vermifer* мавжуд.

Тўдакўл сув омбори зоопланктон биомассасининг август ойидаги шаклланишида клadoцерлар – *Diaphanosoma mongolianum*, октябрда – копеподлар – *Thermocyclops vermifer*, декабрда эса шу билан бирга *Cyclops vicinus* муҳим ўрин тутди. Октябрь ойида август ойига нисбатан биомасса деярли 9 марта камайса, декабрга келиб ҳам биомассанинг яна 3 баробар камайиши кузатилади.

Шўркўл сув омбори. Шўркўл сув омборида 21 тури зоопланктон организмлар учрайди. Миқдор жиҳатидан кўпайиши эшкакоёқли қисқичбақачалар *Arctodiaptomus salinus* ҳисобига кўпайиши билан кузатилиб, улар сони 0,252 минг экз/м³, биомассаси 0,160 г/м³ ташкил этади. Шохдор мўйловли қисқичбақасимонлардан *Diaphanosoma mongolianum*, *Daphnia longispina* (0,213 минг экз/м³; 0,202 г/м³) кабилар кўл ўртасида, шунингдек қирғоқ яқинида ҳам учрайди. Сифат жиҳатидан зоопланктон сув омборлари акваторияси бўйлаб бир хил тарқалмаганлигини кўрсатади.

Arctodiaptomus salinus, *Diaphanosoma mongolianum* барча намуналарда мавжудлиги қайд этилди. *Eucyclops serrulatus*, *Acanthocyclops trajani*, *Simocephalus vetulus*, *Alona rectangulara*, *Chydorus sphaericus* кабилар сув омборлари ўрта қисмига нисбатан сув ҳарорати илиқроқ бўлган қирғоқ яқинида кўпроқ учрайди.

Баҳорда зоопланктон турлари *Diaphanasoma mongolianum*, *Daphnia longispina*, *Ceriodaphnia turkestanica*, *Moina micrura*, *Alona rectangula*, *Cyclops vicinus*, *Arctodiaptomus salinus*, *Thermocyclops vermifer*, *Brachionus quadridentatus*дан иборат бўлади.

Зоопланктонларнинг ана шу даврдаги миқдор жихатидан эшқакоёқ қисқичбақасимонлар ҳисобига кўпайиши билан кузатилиб, улар сони асосан *Arctodiaptomus salinus* ҳисобига ортиб, улар миқдори 0,252 минг экз/м³, биомассаси 0,160 г/м³ га етди. Шохдор мўйловли қисқичбақасимонлардан *Diaphanosoma mongolianum*, *Daphnia longispina* (0,213 минг экз/м³; 0,202 г/м³) кўлларнинг ўрта қисмида, шунингдек қирғоқ яқинида ҳам учрайди.

Сурхондарё вилояти сув омборлари зоопланктони

Ўзбекистон сув омборларидаги энг кўп зоопланктонлар Сурхондарё вилояти сув омборларига тўғри келади. Сув омборларида жами 39 хил турдаги зоопланктонлар, шу жумладан, 19 турдаги коловратка, 12 шохдор мўйловли ва 8 турдаги эшқакоёқли қисқичбақасимонлар учрайди. Учқизил ва Жанубий Сурхон сув омборларининг мезотрофлилари сифат таркиби ўзаро ўхшаш бўлиб, 33-34 хил турни ўз ичига олади. Шу билан бирга олиготроф тоғ Тўпаланг сув омборида бор-йўғи 14 хил тур қайд этилган. Мавсумлар бўйича *Notholca acuminata*, *Cyclops vicinus* (суви совуқ бўлган Тўпалангсув омборида бу турлар ёзда ҳам учрайди) кабилар фақат куз ва баҳор ойларида учраб туради.

Сёренсен-Чекановский коэффициенти Учқизил ва Жанубий Сурхон сув омборларининг планктонли жониворлари фаунаси кўп жихатдан ўхшашлигини ва уларнинг Тўпаланг сув омборидаги ҳолатдан кескин фарқ қилишини кўрсатди (1-жадвал). Барча сув ҳавзаларида қуйидаги 8 тур умумий бўлиб, бир хил миқдорда учрайди (*Notholca acuminata*, *Lecane luna*, *L. decipiens*, *Ceriodaphnia quadrangula*, *Simocephalus vetulus*, *Chydorus sphaericus*, *Eucyclops serrulatus*, *Cyclops vicinus*). Барча сув омборлари чучук сувли бўлиб, сувнинг минераллашуви 1,0 г/л дан кам.

Сурхондарё вилояти сув омборларида қайд этилган барча турлар Ўзбекистон сув ҳавзалари учун хослиги билан ажралиб туради. Бундан худуднинг субтропик иқлимга яқинлиги ва денгиз сатҳидан жойлашишига кўра сув омборларининг турли-туманлиги мўътадил кенглик зоналарида зоопланктонлар биохилма-хиллигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири эканлигидан далолат беради.

Сурхондарё вилояти сув омборлари зоопланктони тур хиллари бўйича таркибининг Сёренсен-Чекановский коэффициентига мувофиқ (%)

ўхшашлиги

Сув омборлари	Уч қизил	Жанубий Сурхон	Тўпаланг
Уч қизил		89,5	45,8
Жанубий Сурхон	89,5		46,8
Тўпаланг	45,8	46,8	

Қашқадарё вилояти сув омборларининг зоопланктони

Қашқадарё вилоятида баликчилик хўжалиқларини ривожлантириш имконияти мавжуд бўлган бир қатор қатор сув ҳавзалари мавжуд. Тадқиқотларда Таллимаржон, Чимқўрғон, Қамаш, Пачкамар сув омборларида зоопланктоннинг сифат жиҳатидан таркиби ва миқдорининг ўсиши ўрганилди. Барча тадқиқ этилган сув ҳавзалари чучук сувли бўлиб, бу планктон жониворлар фаунаси турларида ҳам ўз аксини топади.


Текисликда жойлашган ўзанли сув омборлари (Чимқўрғон, Қамаш). мезотроф кўринишда анча маҳсулдор бўлиб, уларда фитопланктон миқдори нисбатан кўп. Чимқўрғон сув омборида 24 хил ва Қамаш сув омборида 29 хилдаги зоопланктон борлиги қайд этилди: улар орасидан *Brachionus caliciflorus*, *B. quadridentatus*, *B. angularis*, *Keratella quadrata*, *K. tropica*, *Ceriodaphnia turkestanica*, *Moinamicrura*, *Diaphanosoma mongolianum*, *Bosminasp.*, *Cyclops vicinus*, *Thermocyclops vermifer*, *Mesocyclops ogunnus*, *Phyllodiatomus blanci* кабилар кўпроқ тарқалган.

Олиготроф кўринишдаги тоғолди ўзанли сув омборларида (Пачкамар) фито ва зоопланктон миқдори анча камлигини айтиб ўтиш лозим. Бу ҳудудларда 18 хилдаги зоопланктон турлари қайд этилди ва улардан *Asplanhna priodonta*, *Daphnia galeata*, *Ceriodaphnia turkestanica*, *Bosmina sp.*, *Moina micrura*, *Diaphanosoma lacustris*, *Thermocyclops vermifer*, *Cyclops vicinus* устувор бўлиб, кўпроқ учрайди.

Тўлдириладиган (қуйилма) сув омборлари Таллимаржон олиготроф-мезотроф характерда бўлиб, чучук сувли сув омборида жами зоопланктоннинг 14 хилдаги тури топилди. Бироқ миқдор жиҳатидан фақат қуйидаги олтига тури сезиларли кўпайган: *Daphnia galeata* (бутун вегетация мавсуми давомида), *Cyclops vicinus* (бахор ва кузда), *Thermocyclops vermifer* (майдан октябргача), *Phyllodiatomus blanci* (асосан ёзда), *Polyarthra vulgaris* (бахор-ёз), *Hearthra sp.* (бутун вегетация мавсуми давомида). Зоопланктон бўйича материаллар қайта тадқиқ этилганида, сув омборларида мавжудлиги қайд этилган *Thermocyclops crassus* ва *Acanthocyclops americanus* аслида мос равишда *Thermocyclops vermifer* ва *Acanthocyclops trajani* эканлиги маълум бўлди. Толимаржон сув омборида баҳорги зоопланктон таксономик жиҳатдан анча кам бўлиб, бу ҳолда биомассанинг асосий қисмини *Daphnia longispina*, *Cyclops vicinus* каби турлар ташкил қилган. Зоопланктон айниқса июль-август ойларида жадал

кўпайиб, бу вақтда коловратканинг турли-туман хиллари пайдо бўлади ва копеподлар орасида *Thermocyclops vermifer* устувор эканлиги кузатилади. Кузда зоопланктон биомассаси камайганлиги кузатилса ҳам, бу вақтда коловратка ҳажмининг кўпроқ ривожланишига боғлиқ равишда организмларнинг умумий сони ўсишига олиб келди. Бунда диаптомус ва термоциклопс копеподитлар сони устунлик қилиши кузатилди.

Қамаши сув омборида зоопланктоннинг максимал ривожланиш даражаси ҳам ёзда қайд этилган. Биомассанинг аниқ ифодаланган максимал кўрсаткичлари ёзга тўғри келиб бу, биринчи навбатда, шохдор мўйловли *Daphnia galeata* қисқичбақачининг кўпайиши билан борғлиқ. Баҳор ва кузда миқдор жиҳатидан эшкаккоёкли майда қисқичбақалар устувор бўладилар. Коловратканинг зоопланктон умумий биомассасига ҳиссаси у қадар катта бўлмай, бу кўрсаткич 2% дан ошмайди. Биомасса йил давомида, асосан эшкаккоёклилар ва коловраткалар ҳисобига ортиб боради. Зоопланктоннинг миқдор кўрсаткичлари мавсумий ўзгаришлари шунга ўхшаш қонуниятлари аввал ҳам кузатилган (7-расм).



7-расм. Қашқадарё вилояти сув омборларида зоопланктоннинг максимал миқдори (а) ва биомассаларининг (б) ўзгариши:

1–Толимаржон, 2–Чимкўрғон, 3 – Қамаши, 4 – Пачкамар сув омборлари

Хоразм вилояти сув омборлари зоопланктон организмларини

Хоразм вилояти худудида жойлашган Туямўйин сув омборида зоопланктон организмларининг 12 тури мавжуд. Булардан 2 тур коловратка – *Asplanhna priodonta*, *Keratella cochlearis*, 5 тури шохдор мўйловли – *Diaphanosoma mongolianum*, *Bosmina sp.*, *Macrotrix sp.*, *Moina micrura*, *Daphnia galeata* ва 5 тури эшкаккоёкли қисқичбақасимонлар – *Cyclops vicinus*, *Thermocyclops vermifer*, *Harpacticoida gen. sp.*, *Arctodiptomus salinus* лар учрайди.

Фарғона водийси сув омборлари (Андижон ва Каркидон) зоопланктонлари

Андижон сув омбори. Андижон сув омборларида қисқичбақасимонларнинг саккиз тури мавжудлиги аниқланди. *Asplanhna priodonta*, *Daphnia galeata*, *Acantodiptomus denticornis* турлари барча мавсумларда учрайди. *Synchaeta sp.*, *Cyclops vicinus* ва *Bosmina sp.* кабилар


фақат баҳорда кўпайиши ва учраши қайд этилди. Бу турлар октябрь ойида ҳам учраб туради. *Polyarthra sp.* коловаткаси фақат кузда қайд этилади.

Миқдор жиҳатидан сон ва биомассанинг максимал кўрсаткичлари ёзга тўғри келади. Олинган маълумотлар аввалги тадқиқотчилар (Мухамедиев, Умаров ва бош.) томонидан келтирилган тадқиқот натижаларидан кескин фарқ қилиб, улар зоопланктон миқдори 71-500 минг экз/ м³ ва биомасса кўрсаткичи 1,3-4,0 г/м³ эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Каркидон сув омборида зоопланктон организмлар турли-туманлиги, ривожланиши, миқдор кўрсаткичлари Андижон сув омборига нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланди. Бу ерда 13 турдаги зоопланктон организмлар (4 турдаги коловатка, 4 турдаги кладоцер ва 5 турдаги циклоп) аниқланган. Барча намуналарда *Asplanchna priodonta*, *Daphnia galeata*, *Cyclops vicinus*, *Keratella cochlearis*, *Moina micrura* фақат ёз ойларида, баҳор ва кузда – *Polyarthra longiremis* ва *Synchaeta pectinata*, *Diacyclops bisetosus* ва *Paracyclops fimbriatus* фақат баҳорда, *Macrothrix odiosa* ва *Eucyclops serrulatus* эса фақат кузда учраши кузатилган.

